

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:37+331,5(575,1)

ЖАЛАЛОВ АНВАРЖОН ҚОДИРОВИЧ

ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА КАСБИЙ
ЎЗГАРУВЧАЛΙК МЕНЕЖМЕНТИ

08.00.05. - "Менежмент" ихтисослиги

Иктисад фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун ёзилган диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2005

KIRISH №	№ 1803
• 31 •	10
2005 йил	

Иш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг "Менежмент" кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

Педагогика фанлари доктори,
профессор
Курбонов Шавкат Эргашевич

Расмий оппонентлар:

Иқтисод фанлари доктори, профессор,
Россия ФА академиги
Абдурахманов Қаландар Ҳаджаевич

Иқтисод фанлари номзоди
Нигмонов Эркин Абдулмугниевич

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузуридаги Д.005.10.02 раками Ташкилоти ихтисослашган кенгашининг 2005 йил 29 шаҳард соат 14³⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг кутубхонасида тәнишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил 11 октябрда тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Х.П Абулқосимов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Жамиятни ижтимоий-иктисодий қайта қуриш фан-техника ютукларини иктиносидётга татбик этиш билан амалга оширилади, бу эса Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги конуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кўрсатилганидек фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро фаол алоқасини таъминлашни такозо этади. Бундай ўзаро фаол алоқа, ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатаётганидек, шахсга хам катор талаблар кўймокда.

Илмий-техникавий тараккиёт натижаларини ишлаб чиқаришга, хўжалик юритиш соҳасига кириб бориши кўп жихатдан кадрлар салоҳиятига, таълим савиясига боғлиқдир. Янги давр талабларига мос кадрларни етиштириш институционал ўзгаришлар асосида бозор иктиносидётига ўтища ижтимоий-иктисодий табакаланишнинг кучайиши ва таълим хизмати турларининг хилма-хил бўлишини инобатга олиниши такозо кильмокда. Бу эса иктиносидётнинг муҳим омиллари бўлган – таълим ва касбий ўзгарувчанликнинг аҳамиятини оширади.

Касбий ўзгарувчанлик – ишчи, ходим ёки улар гурухининг¹ минимал харажатлар билан янги касбни эгаллаш кобилиятидир. Бу кобилият меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичи бўлиб, у орқали доимий ўзгариб борувчи меҳнат бозорида бандлик даражасини юқори даражада таъминлашда шахс имкониятидан тўла фойдаланишни белгилайди. Шундан келиб чиқиб касбий ўзгарувчанлигга таъсир этувчи омилларнинг ривожланиш конуниятларини ўрганиш, бу конуниятлар асосида касбий ўзгарувчанликни жараён сифатида ташкил этиш ва бундай жараённи бошқаришнинг моделини ишлаб чиқиш долзарб масаладир. Ўз навбатида касбий ўзгарувчанлик кадрлар менежменти масалаларини қайта кўриб чиқишни такозо этади. Шунинг учун хам меҳнат бозорини ривожлантиришда шахс ва таълим тизими имкониятларини биргаликда ўрганиш масаласи тадқиқот мавзуси килиб танланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат ресурсларининг сифати, кадрлар менежменти (таълимни бошқариш ва кадрларни тайёрлаш) асосида кадрларнинг касбий имкониятларини кенгайтириш иктисол диккат марказида бўлиб келган.

Таълимнинг меҳнат ресурсларига, ишлаб чиқариш самарадорлигига, иктиносидонинг барқарорлигига таъсирини назарий ва методологик нұктай назардан ҳар хил иктисол мактаблари ва йўналишлари вакиллари томонидан кўриб чиқилган. Булар орасида А.Маршалл, А.Пигу, Г.Беккер, Т.Шульц, С.Булгаков, П.Сорокин, С.Струмилин, А.Сумароков илмий назариялари тадқиқотимизнинг мавзусини ёритишида алоҳида аҳамият касб этди. Иктиносидётнинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари муаммоларини Е.Жильцов, В.Зуев, В.Киселев, В.Марцинкевич, Р.Нижегородцев, М.Сайдов,

¹Бундай кейин матнда – ходим деб юритилади.

А.Субетто, М.Шарифхўжаев, В.Шетинин ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Мехнат бозори, ишлаб чиқаришда шахс омили, меҳнат ресурсларининг салоҳияти омиллари билан биргаликда таълим ривожи муаммолари иктисодчи олимлар Н.Гибalo, Л.Леонтьева, А.Немиров, С.Сироткин, М.Скаржинский, Л.Соколов, А.Соловьев, А.Спектор, А.Тяжов, В.Чекмаревлар ўз тадқиқотларида чукур таҳлил этганлар. Ўзбекистонда бу йўналишда С.Гуломов, Қ.Абдураҳманов, Ш.Курбонов, Д.Рахимова, Г.Ахунова, Ш.Зайнутдинов, А.Сотвoldиев, М.Турсунхўжаев, З.Худойбердиев, А.Зиёвуддинова, Х.Абулқосимов, Х.Рашидов, Ш.Холмўминов, Ф.Мамарасулов, О.Абдураҳманов, Э.Нигмоновлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Шунга карамасдан, касбий ўзгарувчанлик ва таълимнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи иктисодий жиҳатдан комплекс ўрганилмаганлиги ва Ўзбекистон Республикаси миқёсида кўлланилмаганлиги аникланди. Бу эса бизга “Институционал ўзгаришлар даврида касбий ўзгарувчанлик мененжменти” мавзусида илмий тадқиқот олиб боришга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар Марказининг 2003-2005 йиллар режасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси учун ажратилган “Бошқарув кадрларни тайёрлаш тизими” мавзусидаги, Тошкент давлат иктисодиёт университети учун ажратилган ““Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни жорий этиш жараённида узлуксиз таълим-тарбия тизимини ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот мавзуларига мос келади.

Тадқиқотда келтирилган илмий-амалий гоялар, таклифлар Республика таълим тизимида касбий таълим жараённи ва меҳнат бозорини бошқаришни ташкил этиш масалаларининг назарий ва амалий ечимларини топишга хизмат килади.

Тадқиқотнинг мақсади. Жамиятнинг институционал ўзгаришлар даврида касбий ўзгарувчанлик жараёнлари ва унинг Ўзбекистон таълим тизими билан иктисодий ўзаро таъсир муносабатларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига кўра куйидаги вазифалар ўрганилди ва ҳал килинди:

- Ўзбекистонда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги ҳолатини ўрганиш;
- Институционал ўзгаришларни касбий жараёнларга таъсирини таҳлил килиш ва касбий ўзгарувчанликни келтириб чиқарувчи сабабларни очиш;
- Касбий ўзгарувчанлик ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- Касбий ўзгарувчанликнинг таркибий қисмларини илмий асослаш;
- Касбий ўзгарувчанликни жараён сифатида ташкил этиш ва бошқариш таклифларини ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагиларда ўз ифодасини топган:

- Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий табакаланиши асосида, касбий ўзгарувчанликни тадқик этишининг илмий-услубий асоси ишлаб чиқилди;
- Ўзбекистон таълим тизими ва меҳнат бозорини ташкил қилиш назариясига янги “касбий ўзгарувчанлик” тушунчаси киритилди;
- Касбий ўзгарувчанлик жараёнини бошқариш модели ишлаб чиқилди;
- Ишлаб чиқаришнинг технологик даврийлиги асосида касбий ўзгарувчанликнинг горизонтал ва вертикал ташкил этиувчилари асосланди;
- Бозор муносабатлари қарор топаётган даврда жамиятнинг ижтимоий-иктисодий табакаланишини кучайтирувчи янги омиллар аникланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, макро даражада аҳолини иш билан таъминлашга илмий асосланган давлат сиёсатини амалга ошириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини такомиллаштиришда; давлат органлари турли бўғинларида таълимни бошқаришда, уни молиялаштиришда, таълимни ташкил этишга оид давлат дастурларни ишлаб чиқиша; кейинги илмий тадқиқотлар ва амалий ишлард; иктиносидий назария, менежмент, маркетинг (айникса таълим соҳасида) курсларини ўқитишида методологик асос бўлиб хизмат киласди.

Ушбу илмий тадқиқот ишида ишлаб чиқилган концептуал таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иктиносидиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари ва давлатнинг меҳнат бозори билан боғлиқ бўлган бошқа органлари фаолиятида кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий ҳулосалари ва амалий тадбиқ натижалари иктиносидиётнинг меҳнат бозори секторида бошқарувни ташкил этиш тамоиллари ва функцияларини самарали амалга ошириш йўлларини белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотда илгари сурилган назарий ва амалий гоялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2005 йил 30 июнда кабул қилинган “Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишининг 2006-2010 йилларга мўлжалланган намунавий худудий дастури”га асос қилиб олинди ҳамда “Ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти”да касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбар ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш тизими дастурларига киритилди, республика ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбарлари малакасини ошириш курсларида қўлланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг натижалари ва ҳулосалари 2004 йилда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг илмий-методик кенгаши ийғилишларида, Ҳалкаро илмий-амалий анжуманда қилинган маърузада

баён этилган. Диссертация Тошкент Молия институтида, Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Даъват ва жамият курилиш академиясининг илмий-услубий семинарларида мухокамадан ўтган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон килинганинги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва моҳияти республика илмий-методик журнallарида 4 та илмий макола, Ҳалқаро илмий-амалий анжуманда 1 та маъруза, Россия илмий журналида 1 та мақолада акс эттирилган ва улар диссертация мавзусига оид чоп этилган илмий ишлар рўйхатига киритилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 7 та жадвал, 17 та расмдан ташкил топган. Ҳажми 121 бетдан иборатdir.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси мустакиллигидан кейинги даврларда юз бераётган институционал ўзгаришлар янги дунёкарашни шаклланиши ва ишлаб чиқаришни бутунлай янги изга қўйилиши, ишлаб чиқаришининг иқтисодий натижавий маҳсулотини тасарруф этишдаги ижобий ўзгаришларни юзага чиқаётганлиги билан тавсифланади.

Жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга кўшимча равишда ҳозирги замон жаҳон илмининг жадал ривожланиши ва унинг натижаларини иқтисодимизга кириб келиши мурakkab иқтисодий жараёнларни келтириб чиқармокда. Илмий техникавий тараккиёт ривожланиши ютуклари янги ишлаб чиқариш технологияларини ва хўжаликнинг янги тармоқларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бунинг оқибатида мавжуд касбларда ҳам тубдан ўзгаришлар содир бўлмоқда ва бутунлай янги, инсондан ҳар тарафлама етук ва юқори касбий сифатларни талаб киласиган касблар пайдо бўлмоқда. Натижада, замонавий меҳнатни (кандай касб бўлишидан қатъий назар) фактат маҳсус касбий тайёргарликга эга кишиларгина бажара оладилар. Бу жараён энг аввало малакани умумий даражасининг ошишида, таълимга талабнинг ортишида, шунингдек, таълим олиш давриянинг узайиши ва касбий фаoliyatnинг баъзи турларидаги маълум таркиби ўзгаришлар юз беришида ўз аксини топмокда.

Ижтимоий ўзгаришлар албатта иқтисодда, иқтисодий фаoliyatnинг ижтимоий асоси бўлган – касбда ҳам муносабатлар, қарашлардаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Касб – давлатнинг хукукий мөъёrlарига жавоб берувчи, инсоннинг тириклик манбани таъминловчи машғулот туридир.² Институционал ўзгаришлар иқтисодий фаoliyat натижаларини тасарруф этишда ўзгаришларни келтириб чиқарар экан, бу ўзгаришлар касбдаги ўзгаришларга ҳам сабаб бўлади.

Ҳар кандай ўзгаришларга тегишли жавоб бера олиш орқали мослашиш кобилияти ўзгарувчанлик деб аталади. Агар бирон киши ёки жараёнлар ҳар

² Ўзбекистон Республикасининг "Ахолни иш билан таъминлаш тўғрисида" ги конуни.

хил ўзгаришларга мослашиш ёки бу ўзгаришларни ўзлаштириш кобилиягини кўрсатсалар бунда уларнинг ўзгарувчанлик қобилияти мавжудлиги ёки юкорилиги тўғрисида фикр юритамиз.

Қайд килинганидек, рўй берадиган ўзгаришларга мослашиб бориши кобилияти ўзгарувчанликдир ёки биз кўраётган ҳолатда касблардаги ўзгаришларга мослашувчанлик – **касбий ўзгарувчанликдир**.

Шунингдек, касбий ўзгарувчанлик шахснинг ёки шахслар гурухининг ўзи томонидан ўз касбини ўзгартириш имконини берувчи шароитларни яратиб бориши қобилияти ҳамdir. Бунда унинг хаёти давомида ўзлаштирган малакасининг умумий даражасини йўқотмасдан, маънавий ва моддий ахволини ёмонлашишига йўл қўймаган ҳолда, кутилмаган бошка йўқотишларни минимал даражасида ўз тириклик манбаини янгисига алмаштириб туриши тушинилади. Бу ўз навбатида фукароларнинг турмуш даражасини кўтарилишига, жамият иктисадий ривожланишига ва ахолини тўлов кобилиятини ошишига олиб келади.

Ишсизликни олдини олиш учун тегишли давлат органлари томонидан килинадиган ишлар комплекси мавжуд. Шахс томонидан ҳам бундай ишларни амалга оширилиши мажбурият сифатида унга юклатилган бўлиши керак. Бундай ёндашиш, нафакат ходим ишсиз қолганда, балким ишсизликга учрашидан анча олдин, хали баркарор тириклик манбаига эга бўлиб турган пайтда ходимнинг ҳатти-харакатларини белгилаб беради. Лекин, ўз касбини ўзгартириб бориши учун шахс қандай тайёргарликларга эга бўлиши керак? Унинг ҳатти-харакатлари кетма-кетлиги нимадан иборат ва бундай ҳаракатларни бошқариши қандай ташкил килиш керак? Бу ва бошка саволларга жавоб топиш, шахс ҳатти-харакатларини маълум коидалар асосида ташкил этиш ва бу жараённи бошқариш илмий ишнимиз мақсадидир.

Касблар соҳасидаги ўзгаришларни ўрганинча маълум аксиоматик карашлар тизимлаштирилди ва шу карашлар орқали Ўзбекистон меҳнат бозори ҳамда таълим тизими ҳолати ўрганилди ва касбнинг куйидаги ҳусусиятлари аниқланди:

1. Касб – ходим (шахс ёки шахслар гурухи)нинг ижтимоий-хукукий асосга эга бўлган тириклик манбаидир.
2. Касбнинг хаётийлик даври куйидаги динамикага эга: касб пайдо бўлади, ривожланиб оммавийликга эришиб боради, бошка касбларни пайдо бўлишига туртки бўлади, маълум даврдан кейин оммавийлиги сусаяди ва ниҳоят ушбу касбга талаб йўқолади.
3. Шахснинг касб танлаш қобилиятини унинг билим даражаси белгилайди.
4. Шахсни касбга бўлган талаблари факат меҳнат бозорида шаклланади.
5. Касбни ўзгартириш – бу шахснинг тириклик манбаини ёки ўз иктисадий ҳолатини ўзгартиришидир. Касбни ўзгартириш уч хил кўриниша бўлади: шахснинг шугулланаётган касбини ташлаб бошка касбни эгаллаши, бир касб доирасидаги турдош касбларни эгаллаши, ўз касби соҳасида малакасини ривожлантириши.
6. Иктисаддаги ўзгаришлар касбдаги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда ёлланма меҳнат билан шугулланадиган ходимлар касбий ўзгарувчанлигининг ривожланганлик даражаси нафакат меҳнат бозоридаги ишчи кучининг айланишлари сони (обороти), балки бир қатор бошка омиллар билан ҳам белгиланади. Бу омилларга – умумий таълим асосида бериладётган билим, кўникма, малаканинг жамиятдаги ўртача эришилаётган даражаси ва мавжуд ижтимоий тизим, унинг ривожланиш конунияти киради.

Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш массадида бир неча бор ўтказилган ислоҳотларда асосий эътибор факат таълим тизимини такомиллаштиришга каратилган эди. Режали иктисол даврида, бундай ёндошув ўзини оклар эди, чунки мутахассислар юкоридан бериладиган кўрсаткичлар асосида кадрлар миқдори ва миқёси, уларни каерда, қандай вазифаларда фойдаланишни олдиндан белгилаб кўйилар эди. Бундай жараён шахс ва жамият эҳтиёжларини, истеъмолчи ва буюртмачилар, шунингдек тайёрловчиларнинг имкониятини ҳамда манфаатини хисобга олмас эди.

Юкорида кўрсатилганидек, ислоҳотлар жараёнида турли манфаатларни хисобга олинмаганлиги бозор иқтисодиёти шароитида кескин намоён бўлди. Бу кескинликни Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га асосланган таълим тизими орқали бартараф этишга 1997 йилдан бошлаб киришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек “... бутунги кунда олдимизга кўйган буюк массадларимизга, зизу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизни янгиланиши, ҳаётимизнинг таракқиёти ва истиқболи, амалга ошириладётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдирি – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғликларини барчамиз англаб етмоқдамиз.”³

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзига хос ҳусусияти шундаки, унда *шахс, давлат ва жамият*, узлуксиз *таълим, фан, ишлаб чиқариш* алоҳида ва асосий таркибий қисмлар сифатида киритилган. Бу таркибий қисмларни ўзаро алоқаси ва таъсиirlаниш йўналишлари, ривожланиш муддатлари, боскичлари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон таълим тизими ва меҳнат бозори ривожланишининг таҳлиллари шуни кўрсатади, институционал ислоҳотларнинг бориши суръати ишлаб чиқариш, таълим тизими ва меҳнат бозорининг ўзаро таъсиirlанишларида янги талаб ва тушунчаларни келтириб чиқармокда. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқадорлиги Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган, шу билан бирга ушбу алоқадорликни юкорида долзарблиги кўрсатиб ўтилган – касбий ўзгарувчанлик масалалари нутқи назаридан кайта кўриб чиқиш меҳнат бозоридаги жараёнларни баркарор ривожланишини ижобий таъсир кўрсатади.

Иктисолдаги ўзгаришлар ходимга илм-фан ривожи даражасидаги янги, масъулиятили талабларни кўйди. Бундай талабларга ҳар қандай ходим ҳам


³ Каримов И. А. Барқамол авлод - Ўзбекистон тарқиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутки. 1997 йил 29 август.

жавоб беравермайди. Бу холатда, ходимнинг ахборот асри талабларига тұла жавоб беришини энг рационал йўли бўлиб касбий ўзгарувчанлик омили майдонга чикмокда.

Касбий ўзгарувчанлик жараёнларининг кучайишига асосий сабабларни куйидагича таснифлашимиз мумкин:

- Глобаллашув даврининг ишлаб чиқариш кучларига таъсири, ишчининг дунёкараши ва хатти-харакатлари, эктиёжларидаги ўзгаришлар;
- Саноатлашган даврни ахборот даври билан ўрин алмашиниши;
- Ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларнинг юз бериши;
- Хизмат кўрсатиш соҳасини ахборот (кайта ишлаш, узатиш ва саклаш) соҳаси билан бирлашиб кетиши, бу жараёнин янада ривожланиши;
- Ноиктисодий манфаатлар аҳамиятининг ортиб бориши;
- Эҳтиёжлар тури ва ҳажми динамикасидаги кескин ўзгаришлар;
- Технологияларнинг алмашинув даврининг қискариши;
- Мехнат бозоридаги таркиби ва сифат жиҳатдан ўзгаришлар.

Касбий ўзгарувчанлик рақобат, талаб, таклиф, барқарорлик ва бошқа тушиунчалар каби шахс ёки касбий гурухнинг қобилиятидир. Бу қобилиятни ривожлантириш учун тизим бўлиши талаб этилади. Бундай тизимни шакллантириш ва бошқариш учун унга таъсир этадиган омиллар аникланди ва шартли равищда ички ҳамда ташқи омилларга ажратилди (1 ва 2-расмлар).



1-расм. Касбий ўзгарувчанликнинг ички омиллари⁴

Шахсни ўз касбини ўзгартириши учун меҳнат килаётган мухитда пайдо бўладиган ва шахсга тўғридан-тўғри таъсир киладиган омиллар - касбий ўзгарувчанликнинг ички омиллари бўлиб, уларга куйидагилар киради:

- *Касбий гурух ичишдаги күтбланиши* асосан малакага бўлган талабнинг бажарилиши шароитларидан келиб чиқади;
- *Касбий гурух ичишдаги табакаланиши* эса меҳнат жараённада касбдошлар орасида хуқўқ ва мажбуриятларни тақсимланишидаги объектив ва субъектив сабабларга эга бўлган тенгсизликни ифодалайди,

⁴ Муаллиф томонидан тузилган

- *Касбий мұлоқот*, бу хар қандай ходим касбий фаолият олиб боришида касбининг табиатидан келиб чиқиб касбодашари билан үзаро таъсирида бўлишини тақазо этади ва бу мұлоқот ходимнинг танлаган касби соҳасида фаолият кўрсата олишини белгилайди;
- *Ходимнинг билим даражаси* – бу инсоннинг билим салоҳияти ва тажрибасидир.

Касбий ўзгарувчанликнинг ташки омиллари асосан шахсга билвосита таъсиirlарни, касбий фаолият жойидан ташкарида юз берадиган таъсиirlарни ўз ичига олади (2-расм). Бу таъсиirlар касбий фаолият кўрсатаётган ташкилотдан ташкарида ёки бошқа даврда рўй берадиганлигига қарамай шахсга таъсири ўтказади ва касбини ўзгариришга мажбур киласди. Бу таъсиirlарнинг кўплиги ва хилма-хиллиги ходимга катта талаблар кўймокда.



2-расм. Касбий ўзгарувчанликнинг ташки омиллари⁵

Касбий ўзгарувчанликнинг ташки ва ички омиллари үзаро таъсири механизмини очиб бериси, булар асосида меҳнат бозори ҳамда таълимини бошқариси, меҳнат бозорининг натижавий йўналишларини олдиндан башорат килиш жамиятнинг институционал ўзгаришларни бошидан кечираётган пайтда иктиносидий ривожланишнинг муҳим омили бўлиб юзага чиқади. Хар

⁵ Муаллиф томонидан тувишган

кандай ижтимоий ўзгаришларни ижтимоий-иктисодий фанларда ўрганилишида уни шахс ёки кишилар гурухи ҳолатининг ижтимоий қатламлар бўйича вектор ўзгариши сифатида каралади. Бундай илмий карашларга кўра, ҳар хил мавқега эга ижтимоий қатламлар бўйича шахс ҳолати ўзгарса, ёки қатламлараро ҳолат ўзгариши юз берса унда шахс ҳолатининг вертикал ўзгариши амалга ошади деб каралади.

Агар бир ижтимоий қатлам ичida шахснинг ҳолати ўзгарса бунда унинг горизонтал ҳолат ўзгариши рўй беради дейилади. Бу илмий карашларни ижтимоий муносабатлар обьектларидан бўлган касб тушунчасига нисбатан қўлланиши унинг моҳиятини янада чукурроқ очиб беради ва касбий ўзгарувчанлик жараёнини ўрганишда бундай шартлар зарур ва етарлидир.

Касбий ўзгарувчанликни вектор катталик сифатида юкорида таъкидлаб ўтилган вертикал ва горизонтал ташкил этувчилари бўйича кўриб чиқамиз.

Вертикал касбий ўзгарувчанлик - шахснинг ўз касби соҳасида малакасини мақсадли равишда ошириб бориш кобилиятидир. Ҳалк ҳўжалиги соҳаларининг ривожланишида малака ошириш жараёнининг ўрни бекиёс. Иккинчи томондан, малака ошириш жараённи ходимнинг ижодий ёндашиши билан амалга оширилади. Бунинг учун эса ходимда мақсадли эктиёж ва ўзлаштирилиши кўзда тутилаётган даражани эгаллаши учун қобилият бўлиши талаб этилади, яъни

$$I=G/D \quad (1)$$

бу ерда, I - қобилият, G - шахснинг қондирилиши кўзда тутилаётган онгли эктиёжи, D - талаб килинаётган малака даражаси.

Ходим малакасининг моҳияти меҳнатнинг мураккаблигига эмас, балки, талаб килинадиган малаканинг мавжудлиги, унинг нисбатан мураккаб ишни бажара олиш кобилиятида кўринади. Малака ходимнинг ўзигагина тегишли, шахсий сифат тарзида намоён бўлади. Малакани эгаллаш - ходимнинг меҳнат қуролларига ўзига хос ҳолда мослашиш, бир қатор билимларни шахсан ўзлаштириш ва уларни бошқариш кўнникмаларини ҳосил қилиш жараённида кўринади. Касбий тайёргарликдан ўтгач, ходим ўз малакасини ўзи яратади. Аммо бу малакани шаклланиши моҳиятини тўлиқ белгиламайди.

Малаканинг ажралмас белгиси бўлган – билим, икки йўл билан шаклланади; буларга жамият томонидан тўпланган табиат қонунларининг асосларини ўргатувчи таълим турлари – умумий таълим ва маълум бир касбга тегишли ҳаракатларини бажариш учун зарур билим, кўнникмани ҳосил қилувчи – касб-хунар таълими киради. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими (ЎМҚҲТ) тизимида малакани ҳосил қилувчи параметрларга технологик, иктисодий ва ижтимоий, шунингдек, маълум тарихий ижтимоий-иктисодий (миллий ҳунармандчиллик соҳаларида) жараёнлар киради.

Илмий тадқиқотимизда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими (ЎМҚҲТ) тизими танлаб олинганилиги бежиз эмас. Унда ҳозирги кунда республиканинг 918 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муасасаларида 52518 нафар педагог, 6213 нафар мухандис – педагог, бир миллионга яқин ўкувчи таҳсил олмокда, 260 та касб ва 317 та ихтисослик бўйича таълим берилмоқда. Бу тизим олдига

кўйилган вазифа ва олиб борилаётган ишлар миқиёси бўйича жамиятимиз тараккиётини таъминловчи омилга айланиши керак. Ҳалкаро меҳнат ташкилоти (ILO)нинг маълумотларига⁶ караганда бугунги кунда дунёда 6000 дан ортик касблар мавжуд. Касбларни бу кадар хилма-хиллиги ЎМКХТ тизимининг ўзлаштириши керак бўлган касбларнинг сони кўплигини билдиради ва бу жараёнга албатта Мехнат ва ахолини ижтимоий ҳимоя килиш Вазирлиги дастурлари асосида хусусий секторни жалб қилинишини такозо этади.

Кўп ийллик тажрибалардан келиб чикиб айтиш мумкинки, ЎМКХТ тизимида касбий ўзгарувчанлик жараёнларини ташкил этиш ва хаётга татбик этиш бошка тизимларга нисбатан осон кечади. Чунки, биринчидан, ўкувчиларда бошлангич касбий таълим элементлари унутилмаган; иккинчидан, бу таълим муассасалари бир неча ижтисосликлар беришга мўлжалланган; учинчидан, мажбурий равища ахолининг бутун бир катлами тўлалигича хар йили шу тизим оркали касбий тайёргарликдан ўтади; тўртинчидан, ўкувчидан мустакил карорлар қабул килиш кўнникмаси шаклланиб бўлган бўлади; бешинчидан, ЎМКХТ тизими мамлакатимизнинг барча худудларини камраб олган.

Вертикал касбий ўзгарувчанлик ўз навбатида янги касблар ва тайёрловў йўналишлари, муассасалар тизимини юзага келтира бошлайди. Лекин юкори малакали ходим билан малакаси паст ходим ўртасида табакаланиш ва кутбланиш пайдо бўлади. Бу эса ходимлар орасида ҳамкорликни сусайтиради, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллашишига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташкилотда малака ошириш масаласига режали ёндашилмаса вертикал касбий ўзгарувчанлик ишчиларда ижтимоий эҳтиёжлар ва касбда юқорига интилишларнинг бир кадар сусайишига олиб келади. Буни биз вертикал касбий ўзгарувчанлик муаммолари деб атасимиз мумкин. Ишлаб чиқаришда вертикал касбий ўзгарувчанлик омилини хисобга олмаслик бা�ъзи давлатларда тармоқлар инкиrozини вужудга келтиргани маълум.

Мазкур қарама-каршиликларни ривожланган мамлакатларда куйидагича ҳал кильмоқдалар: жамиятда ҳалкаро меҳнат тақсимоти таъсирини кучайтириш (эммигрант ва иммигрант ишчи кучи таъсири ҳам шулар жумласидан), меҳнатни ташкил этишда бўшатилган иш кучи ва резервлар армиясини кўпайтириб бориш, ходимларнинг малакали кисмининг иш ўринларини тез-тез алмаштириб, умумий ишчини яратиш ва бошка ижтимоий-иктисодий-психологик усулияр киради.

Малаканинг ривожидаги кўлами ҳозирги кунга келиб ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг энг жиддий масаласи – ишлаб чиқаришдаги мулк ва хокимият масаласига бориб тақалади. Юқори билим эгалари ўз билимларини ишлаб чиқаришнинг энг мухим ресурси эканлигини англаған холда унга мулк сифатида карай бошлайдилар. Илмий тадқиқотларда мулкчилик муаммолари XX аср охирида кескинлашганини ва бу масалалар

⁶ Ҳалкаро меҳнат ташкилоти (ILO) нинг йиллик бюллетени 2004 йил. Б-128

факат "ижтимоий инженерия" усуллари билан ҳал қилиниши зарурлигини кузатамиз. Бу усуллар ишчи кучи малакасини оммавий равишда ошириш, ўртача билимлилик даражасини кўтариш, ходимларнинг ўрин алмашиш имкониятини ошириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ундан ташкири вертикаль касбий ўзгарувчаник келтириб чиқариши мумкин бўлган муаммоларни ечишда иктиносидай ричагларни ишга солиш ҳам ўз самарасини бермоқда. Буларга: мулкни жамоатлаштириш (аник кўриниб турувчи мулкдорни кўпгина майдада мулкдорлар орасида яшириш); мулкдор тушунчасини омма мулки тушунчаси билан кориштириб юбориш; зарур касбларни ташкилотларнинг ўзида ўқитишни ташкил этиш ("фирма одами"нинг маънавий карздорлиги хиссидан максадли фойдаланиш); ходимларнинг малакали кисми сонини кўпайтириш ("ишчи кучи конвергенцияси") ва бошқалар киради.

Касбий ўзгарувчаникнинг иккинчи таркибий кисми - горизонтал касбий ўзгарувчаник, шахснинг тўплаган малакаси ва ҳаёт даражасидаги ўйқотишларни минимумлаштириш йўли орқали ўзгарувчаникнинг мажбурий турларида ўз фаолият турини ва жойини ўзгартиришдаги қобилиятидир. Қайтадан касбий тайёргарлиқдан ўтиш, фаолият турини ва жойини ўзгартириш ишсидан моддий ва билим даражаси томонидан доимо тайёр бўлишни талаб килади.

Горизонтал касбий ўзгарувчаник саноатнинг таркибий тармокларидаги силжишлар ва ишлаб чиқаришда кўлланиладиган технологиялар мазмунидаги ўзгаришлар ишчининг тармоқ ва касбидаги ўзгаришларга бўлган эхтиёжнинг ортишини тақозо этади. Якин вактларгача ходимнинг меҳнат фаолияти даври ўртача 25 йилни ташкил этар эди, касбнинг айланиш (оборот) даври ҳам шунчани ёки ундан кўпроқ даврни ташкил этиб, қаҷонлардир эгаллаган касби ходимга бир умр хизмат қилас, уни ўзгартиришнинг ҳожати ҳам ўйқ эди. Ахборот асрининг кириб келиши баъзи касбларнинг "умри"ни технологик укладларнинг амал килиш даври доирасида, ёки унданда камрок вактда бўлишилигини белгилаб кўймоқда. Яъни, шахс ўз фаровонлиги даражасини тушиб кетмаслигини ҳохласа касбини технологик укладларни ўзгариши билан ўзгартириб боришига мажбур ва бу технологик укладларни алмасини даврини қаҷон ўзгаришини касбий ўзгарувчаникни шакллантирувчи тизим орқали билib бориши керак.

Касбларни бундай тез ўзгариши шароитида ходим дарҳол ишлаб чиқариш технологияларининг янги талабларига ўз-ўзидан мослаша олмайди. Бунинг учун маълум қобилият (горизонтал касбий ўзгарувчаник қобилияти) ва бу иктиносидай қобилиятни пайдо қилувчи тизим бўлиши талаб этилади. Бу тизим орқали касбий меҳнат учун шароит яратилади.

Касбий ўзгарувчаник жараёнини бундай таркибга (горизонтал ва вертикаль) бўлиб ўрганиш, уни шакллантирувчи ички ва ташиғи омилларни ўзаро таъсирини чукурроқ тушинишда ёрдам беради.

Замонавий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва институционал ўзгаришлар даврида зарур моддий бойликларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган моддий ва вакт ҳаражатларини кискарishi, инсоннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва

ролини хам ўзгартыриб бориши, касбий ўзгарувчанлик жараёнларини янада ривожлантириб беради ва бундай жараёнларни ўзаро мұраккаб таъсирлашувларини хисобға олган холда, замонавий менежмент тамойиллари асосида бошқарып бориши мұаммоларини көлтириб чикаради.

Замонавий иктиносод назариясида, иктиносодий үсіш - товар, маҳсулот ва хизметтәр кийматидаги моддий таркибнинг кискариб, ахборот таркибининг ортишидір. Иктиносодий үсіштіннг янги моделларидан бирини Америкалик олим П.Ромер яратты. Тадқиқотимиз илмий таҳлилләри шуны күрсатады, Ромер моделида бир вактнинг ўзіда инсон салохиятты ва ахбороттар хажмининг маҳсулот таркибидаги улушини ортиб бориши күрсатылған.

Янги билимларни хаётта татбиғи нағақат восита, вакт ва күчтіннг сарфланиши билан, балки ҳаракатдаги ва моддийлаштирилған тизимнің қайта куриш ёки умуман янгилашга бұлған талабни кондиришща ва ишлаб чикарувчиларнинг консерватизмінің енгіш учун зарур бұлған касбий ўзгарувчанликні хам бўлишини талаб этади. Ромер моделида инсон салохиятининг кўринишлари, турлари ва ўзаро таъсири масалалари ўрганилмаган. Ваҳоланки, бу масалаларнинг моҳияти иктиносодий базисни таркибига таъсир күрсатади.

Биз тадқиқотимиз жараённанда иктиносодиёттіннг инновацияларга талаб юкори бўлған учта таркибий секторини алоҳида ўргандик, буларга фан сектори, ишлаб чикариш воситаларини ишлаб чикариш сектори, тайёр маҳсулот ишлаб чикариш сектори. Бу секторларда инсон қобилияты ва таълим тизимининг таъсир функциясини кўриб чиқдик. Ишчи ходимнинг салохиятты ўсіб боришининг асосий кўрсаткичи бу ундағы касбий ўзгарувчанлик қобилиятининг ўсіб боришидір ва буннинг оқибатида пайдо бўладиган иктиносодий ўзгаришларни кўйидагича ифодаланиши мумкин:

$$\Delta K(t) = Y(t) - C(t) = \eta \sum_{i=1}^n X_i, \quad (2)$$

бу ерда: $\Delta K(t)$ - уч секторли тизимда жами капиталнинг ўзгариши;

$Y(t)$ - тизимда жами ишлаб чиқарылған маҳсулоттар умумий баҳоси;

$C(t)$ - ишлаб чикариш учун истеъмол килингандай маҳсулоттар умумий баҳоси;

X_i - навбатдаги (i -тартиб сонли) янги технологиялар асосидаги ишлаб чикариш воситаларини кўллашдан олинган фойда;

η - навбатдаги янги технологияни кўллашнинг кўрсаткичлари.

2-формуладан келиб чиккан холда, изланишларимизда кўрсатылған алмаштиришлардан кейин иктиносодий үсіш суръати кўрсаткичи - g кўйидаги формула билан аникланди:

$$g = \frac{\Delta C}{C} = \frac{\Delta Y}{Y} = \frac{\Delta K}{K} = \varphi H_A = \varphi H - A \cdot r \quad (3)$$

бу ерда, H_A - ходимда билимга асосланған мекнат килиш қобилияты, яъни касбий ўзгарувчанлик қобилиятининг даражаси (H - мекнат килиш қобилиятининг малака кўрсаткичи, A - тұпланған билимлар);

φ - самардорлық коэффициенти;

$$\lambda = \frac{\alpha}{(1 - \beta - \alpha)(\alpha + \beta)} \text{ кўринишидаги технологик параметр};$$

бу ерда: α, β - ишлаб чиқариш мухити билан бөглик ўзгармас катталиклар;
 r - капитал фоизини чегараловчи меъёр.

Демак, 3-тenglamada ifodalangandek замонавий иктисодда, ресурсларнинг ўта чекланганлиги шароитида ўсиш суръатлари асосан H_A га, яъни ходимнинг билимига асосланган меҳнат килиш қобилиятига бөглик экан. Бу янги пайдо бўлаётган билимларни ишлаб чиқаришга киритишинга иктисодий ўсишни таъминлашини исботлайди. Бунинг асосида иккита хулоса килишимиз мумкин: биринчиси, ўсиш суръатлари юкорилигини янги билим таъминлар экан, фан ва таълим тизими юкори даражада интеграциялашган бўлиши керак. Иккинчиси, замонавий ишлаб чиқаришнинг асоси янги билим экан, барча қасблар доимий янгиланиб турувчи таъсир остида бўлиши ва бу талаб ходимнинг хусусий ҳатти-харакатлари асосида кондирилиши керак. Чунки, самарали қарор факат шахс манфаати оркали таъминланиши мумкин.

Анъанавий иктисодиётда меҳнат бозори қасб таълашга тўғрида-тўғри талабларни кўяр эди. Қасбий ўзгарувчанлик қобилияти ривожланиши ва фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси таълим тизимини меҳнат бозорига таъсирини кучайтиради. Эндиликда жаҳонда меҳнат бозоридаги балансга қасбий ўзгарувчанликнинг таъсири белгиловчи омил даражасига кўтарилди.


Яқин келажакдаги иктисодимизда таълим тизими меҳнат бозори учун қайси йўналишда ва қандай даражада меҳнат ресурсларига талаб пайдо бўлишини белгилаб бериши керак. Келажакдаги меҳнат ресурсларига талабни шакллантирувчи - таълим тизими меҳнат бозорининг келажакдаги қасблар учун ҳозирнинг ўзида канча инвестиция киритишини белгилайди.

Тадқикотимизда кўрсаттанимиздек, меҳнат ресурсларининг янгиланиши технологик укладларнинг алмашинишида кўринади. Шундай экан, меҳнат бозори кириб келадиган технологияларнинг умрени билиши ва уларнинг алмашиниш вактини башорат (прогноз) кила олиши керак. Буни амалга оширишнинг ягона йўли қасбий ўзгарувчанлик тизимини ташкил этиш ва бошқариш тамойилларини ишлаб чиқишидир.

Қасбий талаблар тизимига ходимнинг сифат жиҳатдан жавоб берга олмаслиги кўп колларда ижтимоий тангликнинг манбаси бўлиб колмоқда. Агарда талаб килинган ишга ходимнинг малакаси жавоб бермаса яроксиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши кафолатланган бўлади. Шунинг учун ходимда қасбий ўзгарувчанлик қобилиятларини ривожлантирувчи алоҳида қарашлар ва бу қарашларни амалга оширувчи тизим бўлишлиги муҳимдир. Юкорида келтирилган далилларга асосланган колда ходимдаги қасбий ўзгарувчанлик қобилиятини шакллантириш ва бошқариш модели ишлаб чиқилди (3- расм).

3-расмдан кўриниб турибдики, иктисодиётни ривожланишида A - академик билимларнинг таълим тизими учун очик бўлиши ва доимо тезкор

етиб келишининг таъминланиши асосий ўрин тутади. Касбий таълим тизими меҳнат бозори билан юкори даражада интеграцияланган бўлиши керак.



Hx - касбий ўзгарувчанлик қобилиятига эга ходим, L -ёлланма меҳнат сарфи; P_j -навбатдаги янги технология нархи.

3-расм. Касбий ўзгарувчанликни бошқариш модели⁷

Шундай килиб касбий ўзгарувчанлик менежментини амалга ошириш учун куйидаги шарт – шароитлар бўлиши керак деб хисоблаймиз:

- Фундаментал билимларнинг ролини кучайтириш;
- Фанлар дифференциясини чуқурлаштириш;
- Ўкув юртлари назарий ва амалий билимлар миқдорий нисбатини касблардан келиб чикиб аниклаштириш;
- Мехнат ва ижтимоий таъминот бўлиmlари билан таълим тизими ўргасидаги ўзаро ҳамкорликни дастурлар асосида ташкил этиш;
- Лицензиялаш ва соликка оид қонунларга янгиликлар киритиш ёрдамида кадрлар тайёрлаш тизимига касбий ўзгарувчанликни кириб келишини таъминлаш.

Жамиятимизда касбий ўзгарувчанлик қобилиятини шакллантиришнинг хозирда энг мақбул йўли - Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидир. Унинг таълим стандартларига ўзgartirishlar киритиш ва касбий ўзгарувчанликни шакллантирувчи омиллари билан ўзаро аълокасини ташкил этиш катта харажат, тадбирларни талаб қилмайди.

3. ХУЛОСА

Касбий ўзгарувчанлик – шахснинг иктисадий яратувчанлик имкониятларини иктисаднинг ривожланишига, унинг истаги ва эҳтиёжлари асосида йўналириш жараёнидир. Бу жараённи шаклланиши учун маълум тизим ва бу тизимни бошқарув услублари яратилиши керак.

Касбий ўзгарувчанлик ва таълим тизимининг иктисадий ўзаро таъсирланишлари, институционал ўзгаришлар даврида янада жадаллашади. Илмий-техника тараққиёти талабларига кўра, ижтимоий ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ишсизликни ўсишига олиб келади. Бундай салбий ҳолатлар ишчиларда касбий ўзгарувчанлик қобилияtlарини карор топтириш билан бартараф этилади.

Институционал ўзгаришлар давридаги иктисадий ривожланиш асосан хизмат кўрсатиш секторининг иктисадий ўсиши кўламини ўзида акс эттиришини кўзда тутгани ҳолда, касбий ўзгарувчанлик жараёнлари жамиятда ахборот алмашиб имкониятини кенгайишини ва фанни ишлаб чиқаришга интеграциясини таъминлайди.

Илмий-техникавий тараққиёт меҳнат жараёнини ўзgartириб, ишлаб чиқариш ўзининг технологик ривожланиш даврларига мос равища янги тармок ва касбларни яратса бошлайди, яъни ходимларнинг горизонтал касбий ўзгарувчанлиги вужудга келади. Горизонтал касбий ўзгарувчанликнинг мавжудлиги ишчи кучининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда қўшимча ишчи ўринлари яратилишга олиб келади.

Касбий ўзгарувчанлик, таълим тизими ва меҳнат бозорининг ўзаро иктисадий таъсиrlарига асосланган юкоридаги тадқиқотларимиз натижаларига кўра, куйидагилар тақлиф килинади:

1. Тадқиқотларимиздан кўриниб турибдики, тадбиркорлар қатламининг пайдо бўлиши масалалари кўп жиҳатдан касбий ўзгарувчанлик қобилиятини юзага чиқариш оркали ҳал килинади. Касбий ўзгарувчанлик тушунчасини жамиятга кириб келиши ва бундай қобилиятни шакллантириш тизимларини яратиш учун таълим стандартларига ўзgartиришлар киритиш зарур;

2.Ходимларнинг касбий ўзгарувчанлигининг ўсib бориши натижасида Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими соҳасида касбий ўзгарувчанлик тизимини жорий килиш учун конунчилик даражасида тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади;

3.Ижтимоий ишлаб чиқаришда касбий ўзгарувчанлик тизимини яратиш ва касбий ўзгарувчанлик қобилияти кишилар онгига уларнинг меҳнат бозоридаги ракобатбардошлигини ошириш ҳамда касб ташлашдаги имкониятларининг кенгайиши эканлигини сингдириш тадқиқотимизда тақлиф этилган модел оркали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади;

4.Вертикал ўзгарувчанликнинг мавжудлиги янги иш ўринлари ташкил этилмаган ҳолларда ҳам ходимларнинг турмуш даражасини қўтарилиши имкониятларини беради. Ушбуни хисобга олган ҳолда, раҳбар ходимларнинг малака ошириш курслари ўкув режаларига вертикал касбий ўзгарувчанлик тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқдир,

5. Институционал ўзгаришлар давридаги иктиносидий ривожланиш асосан хизмат кўрсатиш секторининг ўсиши кўламига боғликлигидан келиб чиқиб, касбий ўзгарувчанлик жараёнини ривожланиши учун касблар, уларни танлаш услублари, ишчи ўринлари миқдори ва таркиби ҳақидаги маълумотлар мужассамлашган ахборот базасини яратиш талаб этилади;

6. Илмий-техникавий тараккиёт натижаларини ишлаб чиқаришга жорий килиш учун ходимда горизонтали касбий ўзгарувчанлик бўлиши талаб этилади, бунинг учун мамлакатимиз таълим тизимида ишчи-ходимларни кайта тайёрлаш тизимини яратиш талаб этилади;

7. Олий ва ўрга маҳсус, касб-хунар таълим тизими – асосий касб берувчи муассасалар сифатида нафакат касбни, балки касбий ўзгарувчанлик кобилиятини беришни кўзда тутишлари керак.

Бу ўз навбатида ўкув режаларини таркибий кайта куриш, фанлараро билимлар тизимига ўтилишини такозо этади. Бу ҳол, шунингдек Кадрлар тайёрлаш миллий Дастирида ижтимоий-иктиносидий фанларнинг аҳамияти ортишида намоён бўлади.

4. Эълон қилинган ишлар рўйхати.

1. Жалалов А.Қ. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ижтимоий-касбий сафарбарлигини ошириш омиллари. //Ж. Касб-хунар таълими. 2005. 3-сон, Б.2-3.
2. Жалалов А.Қ. Касбий ўзгарувчанлик менежменти. "Иктиносидётни эркинлаштириш шароитида ташки иктиносидий фаолиятнинг роли".Халқаро илмий-амалий анжуман маъруза тезислари. (24 май 2005 й.) Т.: ТДИУ, 2005. Б.44-45.
3. Жалалов А.Қ. Касбий ўзгарувчанлик ва кичик мугахассислар тайёрлаш муаммоси. // Ж. Касб-хунар таълими. 2005. 1-сон, Б.1-4.
4. Жалалов А.Қ. Кадрлар тайёрлаш тизимида касбий ўзгарувчанлик ва унинг хусусиятлари. //Ж. Иктиносидёт ва таълим. 2005. 1-сон. Б.112-119.
5. Жалалов А.Қ. Состояние экономики и образования. // Ж. Специалист - ежемесячный теоретический и научно-методический журнал, Россия. 2005. №3. 33 с.
6. Жалалов А.Қ., Журабаев И. Инновационное обеспечение малого бизнеса. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2003. 4-сон. Б.48-51.

Иктиносод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Жалалов Ашваржон Қодировичнинг 08.00.05 - "Менежмент" ихтисослиги бўйича "Институционал ислохотлар даврида касбий ўзгарувчанлик менежменти" (Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни мисолида) мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: Бошқарув тизими, касбий ўзгарувчанлик менежменти, меҳнат бозори, кадрлар таёrlаш тизими, молиявий-иктиносодий бошқарув модели.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозори ва таълим тизими, хусусан, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни тизими.

Ишининг мақсади: Жамиятнинг институционал ўзгаришлар даврида касбий ўзгарувчанлик жараёнлари ва унинг Ўзбекистон таълим тизими билан иктиносодий ўзаро таъсир муносабатларини ўрганиши.

Тадқиқот усули: Тадқиқот давомида мумтоз ва замонавий иктиносодий назария, назарий моделлаштириш, тизимли ва синергетик ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- Касбий ўзгарувчанлик жараёнини бошқариш модели ишлаб чиқилди;
- Жамиятнинг ижтимоий-иктиносодий табакаланиши асосида, касбий ўзгарувчанликни тадқиқ этишнинг услуби ишлаб чиқилди;
- Ишлаб чиқаришнинг технологик даврийлиги асосида касбий ўзгарувчанликнинг горизонтал ва вертикал ташкил этувчилари асосланди;
- Фан ва ишлаб чиқаришнинг конвергенцияси оқибатида бъази касбларга талабнинг йўқолиб, янги касбларнинг пайдо бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш ва таълимнинг конвергенцияси оқибатида меҳнат ресурсларининг сифат жиҳатдан ўзгариб боришининг имкониятлари кўрсатиб берилди;
- Бозор муносабатлари карор топаётган даврда жамиятнинг ижтимоий-иктиносодий табакаланишини кучайтирувчи янги омиллар ва улар билан боғлик бўлган таълим тизими ҳамда таълим хизмати бозоридаги иктиносодий муносабатлар шаклланишида кўриб чиқилмаган муаммолар аникланди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларидан куйидагиларда фойдаланилади: биринчидан, макро даражада аҳолини иш билан таъминловчи илмий асосланган давлат сиёсатини амалга ошириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини вужудга келтиришда; иккинчидан, давлат органлари турли бўгинларида таълимни бошқаришда, молиялаштириш ва таълимни ташкил этишга оид дастурларни ишлашда методологик асос бўлади; учинчидан, кейинги илмий тадқиқотлар ва амалий ишларда; тўртинчидан, иктиносодий назария, менежмент, маркетинг (айниksa таълим соҳасида) курсларини ўқитишда, талабаларнинг курс ва диплом ишлари учун материал бўлиб хизмат қиласи.

Тадбиқ этиш даражаси ва иктиносодий самараадорлиги: Тадқиқотнинг асосий хуносалари "ЎМКХТ тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти" дастурларига киритилди, республика миқиёсидаги конференциялар, илмий семинарлар ва йиғилишларда эшлилди.

Қўлланиш соҳаси: Меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда Давлат ҳокимияти худудий органлари, Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирликларининг фаoliyat дастурларида фойдаланиш мумкин.